

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

|   |                           |
|---|---------------------------|
| <b>Д. Анваров</b>   |                           |
| “Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..                       | 167                       |
| <b>М. Жўраев</b>  |                           |
| Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....                         | 170                       |
| <b>З. Раҳимов, Д. Гуломов</b>   |                           |
| Романда ассоциатив сюжет.....   | 174                       |
| <b>М. Ғаниев</b>  |                           |
| Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....  | 176                       |
| <b>М. Хамидов</b>   |                           |
| Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар .....  | 180                       |
| <b>Р. Умурзаков</b>   |                           |
| Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи .....  | 186                       |
| <b>И. Саймуратова</b>   |                           |
| Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи .....                                 | 190                       |
| <b>Д. Тўраева</b>   |                           |
| Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар .....  | 195                       |
| <b>Н. Бўриева</b>   |                           |
| Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....  | 200                       |
| <b>Н. Ҳамраев</b>   |                           |
| Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари .....                      | 204                       |
| <b>Х. Убайдуллаев</b>   |                           |
| Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида .....  | 208                       |
| <b>М. Батирханова</b>   |                           |
| Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....  | 211                       |
| <b>Ш. Хасанова</b>  |                           |
| Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....  | 214                       |
| <b>Г. Турдиева</b>  |                           |
| Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....   | 217                       |
| <b>Л. Галимуллина</b>   |                           |
| Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металларнинг рамзий аҳамияти..... | 221                       |
| <b>Н. Гофурова</b>  |                           |
| Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи .....                    | 226                       |
| <b>У. Маҳмудова</b>   |                           |
| Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида .....   | 229                       |
| <b>З. Акбарова</b>  |                           |
| Концепт ва лисоний онг .....  | 233                       |
| <b>З. Тожиматова</b>  |                           |
| Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....                                       | 235                       |
| <b>Х. Хусамбоева</b>  |                           |
| Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти .....     | 238                       |
|   | <b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b> |
| Адабиётимиз фидойиси .....  | 241                       |

Such a composition of vocabulary and phraseology corresponds to the significance and importance of diplomatic documents, legal actions of official representatives of the state, international customs and conventions, ideas about diplomatic, courtesy and etiquette. So, *the ambassador presents (and does not transmit) credentials; the wife of the*

*ambassador, the president is called the spouse; The Prime Minister of a foreign country visited Tashkent University, and did not visit Tashkent State University.*

So, in official style, it is appropriate to use certain formulas bearing the seal of officiality, specificity of means of expression, norms of speech.

**References:**

1. Nicholson, G. Diplomatic art. - Moscow, 1962.
2. Попов, В. И. Modern diplomacy: theory and practice. Diplomacy – science and art: Course of lectures. 2nd Ed., add. – М.: International relations, 2004.
3. Блох М. Я. Язык, культура и проблема регуляции речевого общения. // В журн. «Язык. Культура. Речевое общение». –М., 2013. №2.
4. Блох М. Я. Язык обиходный, язык художественный и общество языкотворец. // В журн. «Язык. Культура. Речевое общение». –М., 2012. №1.
5. Бурова, И. А. Деловая речь, деловая переписка : учеб, пособие. Ч. 1 / И. А. Бурова. – М. : МИИТ, 2010.
6. В.Б.Джафаров Дипломатическая переписка (перевод с азербайджанского языка) 2010-ом году.

(Reviewer: N.Khoshimova – doctor of philosophy in philology)

УДК: 81'27+811.161.1'37

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИК ТАЪЛИМОТ СИФАТИДА  
 ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ КАК СОВРЕМЕННОЕ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ УЧЕНИЕ  
 LINGUACULTUROLOGY AS CONTEMPORARY LINGVISTIC STUDIES

Г.Турдиева<sup>1</sup><sup>1</sup> Г.Турдиева

— Фарғона давлат университети ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада лингвокультурология тушунчасининг тилшуносликка кириб келиши, лингвистик таълимот сифатида шаклланиши ва унинг ривожланиш босқичлари кенг ёритиб берилган. Бу соҳада иш олиб борган олимлар тадқиқотлари қиёсий таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье подробно описывается введение понятия лингвокультурологии в лингвистику, ее становление как лингвистической доктрины и этапы ее развития. Проведен сравнительный анализ исследований ученых, работающих в этой области.

**Annotation**

This article deals with the emergence of the concept of linguoculturology, its formation as a branch of linguistics and stages of development. A comparative analysis of the research of scientists working in this field is determined.

**Таянч сўз ва иборалар:** лингвокультурология, тил ва маданият, миллий характер, менталитет, лисоний.

**Ключевые слова и выражения:** лингвокультурология, язык и культура, национальный характер, менталитет, лингвистический.

**Keywords and expressions:** linguoculturology, language and culture, national character, mentality, linguistic.

Сўнги йилларда лингвокультурология лингвистикадаги замонавий концепциялар асосида ривож топди ва ўз тадқиқот доирасига эга бўлган мустақил фан сифатида шаклланди. Ўз номидан маълумки, бу фаннинг асосий мақсади халқ маданияти ва ментал хусусиятларини унинг тили ёрдамида тадбиқ этишдир. Лингвистиканинг янги тармоқлари шаклланишида ва бу соҳадаги йўналишларнинг замонавий кўринишга эга бўлишида асосан учта назария муҳим аҳамият касб этади, яъни булар: қиёсий-тарихий назария, тизимли-тармоқли назария ва антропосентрик назария асосида шаклланган методлар. Тилни тадқиқ этишда қиёсий-тарихий назария энг биринчи яратилган назариялардан бири ҳисобланади ва яна шуни таъкидлаш лозимки, XIX аср лингвистикаси айнан мана шу метод асосида шаклланган. Тизимли-тармоқли назариянинг пайдо бўлганига эса анча вақт бўлган бўлсада, бу метод ҳали ҳам лингвистикада кенг қўлланилмоқда, чунки унинг тадқиқот доираси нарса, буюм ва номларни ўрганишга қаратилган, яъни унинг бирламчи объекти бу сўздир. Шу сабабли ҳам бу методни яна узоқ йиллар давомида изчил амалиётда қўллайдилар десак янглишмаган бўламиз.

Антропосентрик назария янги, замонавий таълимот ҳисобланиб, тадқиқотчиларни ўз серқирралиги билан қизиқтириб келмоқда. Чунки бу йўналишда изланиш олиб борувчилар тилшуносликни бошқа бир қатор фанлар яъни – фалсафа, математика, психология, социология, маданиятшунослик, этнография, география ва яна бошқалар билан умумий алоқадорликда ўрганадилар. Унинг тадқиқот доираси кенг ва серқирра бўлиб, асосий эътибор субъектни онгда қандай идрок этилишига ва инсоннинг лисоний тафаккурини ўрганишга қаратилган.

Соддароқ қилиб айтганда, тил инсон тафаккури маҳсулидир, тил индивидуаллик хусусиятига эга бўлиб, у фақат индивиднинг онгида, қалбида ва руҳиятида ва улар ташкил қилган жамиятнинг тилида яшайди. Антропосентрик назариянинг янада кенгайиши тилишуносликда янги фан соҳалари – когнитив лингвистика, психолингвистика, социолингвистика, лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика кабиларнинг ривожланишига замин яратди. Биз миллий характернинг тилларда акс этишини лингвомаданиятшунослик доирасида таҳлил қилишимиз ҳам айнан мана шу метод назарияларига таянади. Шу сабабли ҳам,

аввало, лингвомаданиятшуносликнинг фан сифатида шаклланиши ва у тилшуносликнинг қандай долзарб муаммоларини қамраб олганини кўриб чиқамиз. Ҳар бир инсон ўз миллий урф-одатлари, тили, тарихига эга бўлган маълум бир маданият вакилидир. Бунда лингвомаданиятшуносликнинг аҳамияти беқиёс. Айнан шу туфайли у лингвистик тадқиқотларнинг муҳим тармоғига айланди. Бу фан тилларда акс этган миллий маданий хусусиятларни, қисқача айтганда “тилдаги руҳиятни” ўрганади ва мулоқот жараёнида юзага келувчи маданий тафовутларни олдини олади.

Лингвомаданиятшунослик фалсафа, миллий характер ва менталитет тушунчалари билан чамбарчас боғланган ва бу соҳада олиб борилаётган изланишлар тилшуносликдаги “ички” муҳитдан “ташқи” муҳитни ажратиб чиқарган ҳолда, тилни инсон тафаккури, ментал хусусиятлари ва руҳий-амалий дунёқараши билан узвий боғлиқлигини кўрсатди. Ф.де Соссюр шундай деган эди: “Бизнинг тил ҳақидаги тасаввуримиз мақсадлари у билан боғлиқ тилишунослик доирасида юритиладиган системаларни тахлил қилишгина эмас, балки тилнинг асл мақсади бўлган мулоқот жараёнини ўрганишга киришишдан иборатдир”. Тилни ўрганиш, унда мулоқот кўникмаларини шакллантиришни маданиятдан ҳоли амалга ошириб бўлмайди. Чунки тўғри мулоқотга киришиш аввало миллий маданий саводхонликни ҳам тақозо этади. Мамлакатшунослик ва этнолингвистика фанларидан фарқли ўлароқ, лингвомаданиятшунослик тилларда акс этган маданий қадриятларнинг қиёсий анализи билан шуғулланиди. “Тил ва инсон” концепцияси ўз навбатида инсон ҳақидаги барча фан соҳаларини қамраб олади. Ва яна шуни такидлаш лозимки, тил – миллий маданият ва қадриятлар мавжудлигининг сабабчисидир. Э.Сепир шундай ёзган эди: “маданиятга малум жамиятнинг нима қилаётгани ва ўйлаётгани деб тариф бериш мумкин, тил эса уларнинг қандай ўйлаётганлигидир”. У ҳолда тил ифода этилган ички маданиятнинг кўриниши эканлиги маълум бўлади. Тил ва маданият ўртасидаги детерминизм, яни ўзаро бир бирини тақозо этиш ҳақиқий “ўзарочилик”дир. Айнан шу сабабли ҳам турли мамлакат олимлари томонидан тил ва маданият муносабати масаласи турли йўналишларда ўрганилаётгани табиий ҳолдир. Бу муаммо билан шуғулланаётганлар сафига тилшунослар –

Й.Сорокин, В.Телия, В.А.Маслова, Э.Верещагин, А.Вежбитская, В.Костомаров, Д.Олфорд, Д.Хаймс, файласуфлар – Г.Брутян, Э.Маркарян, психологлар – Л.Виготский, А.Леонтев, В.Петренко, П.Гулвисте кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, бу масала нутқ маданиятига оид тадқиқотларда ҳам муҳим ўрин эгаллайди, ва бу соҳада Й.Скворсов, Э.Бегматов, А.Маматов, Б.Ўринбоев кабиларнинг ютуқлари алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги йилларда тилшуносликда лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида шакл топиши эса бевосита В.Красних, В.Маслова, Д.Гудков, Тер Минасова, Д.Ашурова кабиларнинг илмий меҳнатлари билан боғлиқдир. Илмий изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, лисон ва маданият муносабати масаласи мураккаб, жуда қийин ҳамда кўп томонлама муҳокамани талаб қиладиган масаладир. Улар тадқиқига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур бўлади, акс ҳолда бу икки турдаги семантик тизимни ягона бир қолипга тушириш хавфи ҳам йўқ эмас. Шунинг билан биргаликда, бу икки тизимнинг ўзаро ўхшаш, умумийлик томонлари ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. В.Н.Телия бундай умумийликни куйидагиларда кўради: маданият, худди лисон каби, инсон дунёқарашини акс эттирувчи онг шаклидир ва бу иккиси доимо ўзаро муносабатда, мулоқотда бўлади. Шунингдек, тил ва маданиятнинг субъекти – бу доимо индивид ёки ижтимоий гуруҳ-жамоа, шахс ёки жамиятдир. Меъёрийлик (норма) тил ва маданият учун доимо умумий хусусиятдир. Тарихийлик эса улар учун муҳим бўлган хусусиятдир. Тил ва маданиятга “динамика-статика” қарама-қаршилиги бир хилда хосдир. Дарҳақиқат, олима айтганидек тил ва маданиятни яқинлаштирадиган умумий хусусиятлар анчагина ва шу билан бирга уларни фарқловчи хусусиятлар ҳам етарлидир. Бу фарқловчи хусусиятлар биринчи навбатда тил ва маданиятнинг тизимийлик кўрсаткичларида намоён бўлади: маданият ҳам белгилар системасидир. Аммо ушбу система, тил тизимидан фарқли ўлароқ, ўз-ўзидан тартиблашиш, тизимлашиш хусусиятига эга эмас. Шу жумладан, биз тадқиқ этаётган маданиятнинг бир бўлаги бўлган “ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи тил бирликлари” тушунчаси ҳам бундан мустасно эмас. Биз уни тизим сифатида ўргана олмаймиз. Умуман, тил ва маданият тизимлари таркибидаги белгилар структуравий тузилиши ва бажарадиган

вазифаларига кўра кескин фарқ қилишларига нисбатан тамоман бошқа системалар сифатида эътироф этилади. Маданият қанчалик чуқур ва тафсилотлари билан ўрганилса, унинг инсон фикрлаши билан боғлиқ эканлиги яққол сезилади. Шундай экан, инсон кўз ўнгида акс этган воқеа-ҳодисаларни маданияти орқали онгига сингдиришга ҳамиша интилади.

Инсоннинг ҳаёт кечиришида керакли предметлар ҳамда юзага келадиган воқеа-ҳодисаларни маданият воситаси деб ҳам фикр юритса бўлади. Масалан, қуёшни ёки ойни маданиятга киритиш мумкин эмасдек кўринади. Аммо барча халқлар маданиятида ушбу тушунчаларнинг мавжуд эканлиги маълум. Лекин баъзи салқин об-ҳаво шароитида яшовчи Европа халқлари (славянлар ва германлар) қуёшни иссиқлик, ардоқлаш ва илтифот белгилари сифатида ижобий баҳолайди. Араб давлатлари маданиятида эса қуёш ёз пайтида уларни қийин аҳволга солувчи жазирама ҳароратга тенглаштирилиб, салбий баҳоланади. Демак, қуёшни табиат ҳодисаси эмас, балки маданият маҳсули сифатида тушунса бўлади.

Жанубда яшовчи халқлар маданиятида ой алоҳида эътироф билан тилга олинади. Руслар онгида у қоронғулик, охираат билан боғланиб, баъзида ҳаёт ва мамот билан (жить “под луной”, “ в подлунном мире” – ҳамманинг ҳаёти бирдек шароитда кечади) тасаввур қилинса, ой нури бошқа славянларда хомиладор ҳамда норасидалар учун хавфли, зиён келтирадиган ҳодисага таққосланади. Вьетнамликларда эса бошқа жанубий Осиё халқларидаги каби ойга муносабат тамоман бошқача, яъни улар ой календари бўйича яшашади, махсус нишонладиган Ой байрами болаларнинг севимли байрами ҳисобланади. Гўзал, нозик ва беғубор қизлар ойга қиёсланади, севишганлар ой ёруғида гурунглашиб, унга бағишлаб шеърлар тўкишади ва қўшиқлар айтишади. Шунинг учун Вьетнам халқи ҳаётида барча эзгуликларни ой орқали тасаввур этадилар.

Шу каби ойга муносабат ўзбек халқига ҳам мансуб эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ўзбекларда ой қуёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисмгина эмас (“Ойни этак билан ёпиб бўлмайти”-мақол), балки “гўзал, чиройли юз” (“Ой деса ой, кун деса кунга ўхшайди”) сафарга кетаётган кимсага яхшилик тилаш (“Ой бориб, омон қайт”) маъноларида ишлатилади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, рус тилида ҳам “лицо, как луна”

ибораси гўзалликка тан беришни англатади. Бунга ўхшаш мисолларни бошқа халқлар маданиятида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Турли халқлар маданиятида мавжуд юқорида келтирилган ўзига хос алоҳидаликларнинг тилда акс эттирилишини ўрганиш лингвокультурологиянинг вазифаларидан бири.

Мазкур фаннинг асосий вазифаси – тил билан маданиятнинг боғлиқ томонини, яъни маданиятга оид тушунчаларнинг тилда ва унинг турли воситаларида ифодаланиш усуллари ўрганиш, тил ва халқ менталитети ўртасидаги ўзаро алоқаларни тавсифлашдан иборат. Ўзбекистондаги бир қатор олимлар ҳам, хусусан, А.Абдулазизов, Д.Ашурова, Ш.Сафаров, Ў.Юсупов, А.Маматов ва бошқа тадқиқотчилар лингвокультурология соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Лингвокультурология – маданият ва тилнинг қўлланилиш жараёни мақомидаги ўзаро таъсирлашувларни ўрганувчи фандир. Лингвокультурологик тадқиқотлар социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, лингвомамлакатшунослик, маданиятшунослик ва шунга яқин соҳалараро микёсда олиб борилади.

Юқорида таъкидланганидек, лингвокультурологиянинг тарихи ҳақида мулоҳаза юритилганда, у уч даврга ажратилишини қайд этиш лозим. Биринчи давр – В.Гумболт, А.Потебня, Э.Сепир каби олимларнинг тадқиқотларини ўз ичига олади.

Иккинчи давр эса лингвокультурология фанининг мустақил тадқиқот соҳасига айланиш давридир. Ҳозирги пайтда лингвокультурологик изланишларнинг қатъий ривожланаётганини таъкидловчи баъзи тилшунослар, жумладан, В.А.Маслова яна бир босқичнинг, яъни учинчи даврнинг пайдо бўлганлигини тахмин қилади. Унинг фикрича, ҳозирги пайтда лингвокультурология умумий тилшуносликдаги бошқа соҳалар билан мустаҳкам боғланган бўлиб, алоҳида фан сифатида шаклланимоқда. Шундай экан, ҳамма фан сингари лингвокультурология ўз вазифа, мақсад, объект ва бошқа хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Профессор Д.Ашурованинг фикрича, лингвокультурологиянинг энг муҳим вазифаларидан бири – методологик шарт-шароитларни аниқлаштириш, тадқиқотларнинг концептуал қонун-қоидалари ҳамда маданият нуқтаи назаридан ажратиб олинган тил бирликларини (лингвокультуремалар) тизимига